



## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Амонов Феруз Салимович**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети мустақил изланувчиси  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8073803>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> June 2023

Accepted: 22<sup>th</sup> June 2023

Online: 23<sup>th</sup> June 2023

### KEY WORDS

Жамоатчилик назорати,  
коррупция, коррупцияга  
қарши курашиш, норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатлар,  
жамоатчилик назорати  
объектлари, субъектлари ва  
шакллари.

### ABSTRACT

Маълумки ҳар бир давлат хизматчиси ўз фаолияти доимий назорат остида эканини чуқур ҳис этиб бориши ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Айниқса, бундай назоратни бевосита халқнинг, жамоатчиликнинг ўзи олиб бориши жуда ҳам муҳим саналади. Мақолада муаллиф томонидан сўнги йилларда республикада коррупцияга қарши курашиш сиёсати, бу борада фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини батафсил ёритиб ўтган.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда мустақил фуқаролик институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг эркин фаолияти кафолатларини таъминлаш, давлат органларининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларнинг очиқ, шаффоф ва ошкора фаолият кўрсатишини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан комплекс ва изчил ишлар амалга оширилди.

Республикаимизда амалга оширилиб келинаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида жамоатчилик назоратини маълум турларини амалга ошириш жараёнини тартибга солувчи қатор нормалар қабул қилинган.

Зеро, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятини жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Зеро, Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Одамларимиз давлат органлари, шунингдек, ўзлари сайлаган вакиллар нима билан шуғулланаётганини билишлари, уларнинг фаолиятига ҳолисона баҳо бера олиши учун барча имкониятларни яратишимиз даркор»[1] лигини таъкидлаган эдилар.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг асосий қонун даражасида мустаҳкамланиши алоҳида диққатга сазовор. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституция нинг 13-боби 69-75-



моддалари фуқаролик жамияти институтлари, улар фаолиятининг кафолатларига бағишланган. Мазкур ўзгаришларнинг аҳамияти нимада кўринади?

Биринчидан, конституциявий қонун лойиҳасига илк бор “фуқаролик жамияти институтлари” ибораси киритилди (XIII боб).

Иккинчидан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтлари қаторида қайд этилди (69-модда).

Учинчидан, Вазирлар Маҳкамасига фуқаролик жамияти институтларини, қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш вазифаси юклатилди (115-модда).

Тўртинчидан, фуқаролик жамияти институтларига Ўзбекистон Республикаси бюджетининг шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколати берилди (148-модда).

Қолаверса, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашшига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги асосий қонун даражасида мустаҳкамланмоқда.

Жамоатчилик назорати ҳуқуқий асосларининг конституциявий мустаҳкамланиши фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллиги ва фаолиятининг самарадорлигини оширишга, уни давлат ва жамият қурилишининг энг муҳим институтларидан бирига айланишига, жамиятда халқ ҳокимиятчилигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтиришга хизмат қилади. Ушбу янгилıklar жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга, аҳоли турли қатламлари манфаатларининг янада тўлароқ ҳимоя қилинишига, фуқаролар, фуқаролик институтларини жамият ва давлат ишларини бошқаришга янада кенгроқ жалб этишга кўмаклашади.

Зеро, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 8-моддасида Коррупция қарши курашиш мақсадида ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ, ўзининг оммавий мансабдор шахсларида бошқа фазилатлар қатори, поклик, ҳалоллик ва масъулиятни рағбатлантириш ҳамда оммавий функцияларни тўғри, виждонан ва тегишли даражада бажариш учун ҳар бир иштирокчи Давлат ўз институционал ва ҳуқуқий тизимлари доирасида ахлоқ кодекслари ёки стандартларни қўллашларини тавсия этган.

У.Э.Фозиловнинг фикрича, бугунги кунда қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш жамиятда конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан биридир»[2].

Сўнгги беш йилда республикамызда коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати институтини такомиллаштириш борасида бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Коррупцияга қарши кураш бўйича 2017-2018, 2019-2020, 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат Дастурлари, Ўзбекистон



Республикаси Президентининг «2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» Фармонлари, «Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Ушбу ҳужжатларнинг барчасида коррупцияга қарши курашиш фаолиятида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни муҳим эканлиги таъкидланган. Жумладан, Коррупцияга қарши кураш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат Дастурининг 17-бандида «Давлат бюджети ҳамда шунингдек, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш»[3] лозимлиги алоҳида мустаҳкамланган.

Статистик рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, Ўзбекистонда 2010-2016 йилларда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва асосий мақсадларидан келиб чиқиб таҳлил қилинганда, уларнинг 22,5 фоизи давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги ва жамиятда демократияни шакллантириш, сайлов эркинлиги янада таъминланиши ҳамда сайлов қонунчилиги ривожлантиришга; 5,1 фоизи жамиятда қонунийликни, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтиришга қаратилган[2].

Республикамизда давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мавзусида бир қатор тадқиқотлар ўтказилган ва уларда мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтининг ҳуқуқий асослари тўрт босқичга ажратилган ҳолда тавсифлаб берилган. Жумладан, биринчи босқич – 1991-2000 йилларни ўз ичига қамраб олган жамоатчилик назорати ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва тикланиши даври. Иккинчи босқич – 2001-2010 йилларни ўз ичига қамраб олган жамоатчилик назорати ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви, алоҳида соҳаларда жамоатчилик назоратининг мустаҳкамланиши, жамоатчилик назорати шакл ва усулларининг кенгайиши даври. Учинчи босқич – 2011 йилдан 2016 йилга қадар бўлган даврни ўз ичига қамраб олган жамоатчилик назорати ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, жамоатчилик назоратининг конституциявий мустаҳкамланиш даври. Тўртинчи босқич – 2016 йилдан ҳозирга қадар бўлган даврни ўз ичига қамраб олган ижтимоий ҳаётнинг фаол демократлаштириш ва модернизация қилиш, жамоатчилик назоратининг институционал асосларини кучайтириш даври[4].



Республикамизда коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилар эканмиз, шартли равишда уларни икки гуруҳга ажратгат ҳолда ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: яъни **биринчи гуруҳ** – коррупцияга қарши курашиш ва жамоат назоратини амалга ошириш механизмларини тартибга солувчи (бевосита амалга оширувчи) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда **иккинчи гуруҳ** – коррупцияга қарши курашишда жамоат назоратини билвосита амалга оширишни назарда тутувчи ҳужжатлар.

*Биринчи гуруҳ – коррупцияга қарши курашиш ва жамоат назоратини амалга ошириш механизмларини тартибга солувчи (бевосита амалга оширувчи) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.*

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини тартибга солувчи биринчилардан бўлган ҳужжат бу Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «**Жамоат бирлашмалари тўғрисида**»ги Қонуни[5] ҳисобланади. Қонуннинг 3-моддасига кўра, жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш мақсадида тузилиши[5] мустаҳкамланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «**Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида**»ги Қонуни[6] да нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш мақсадида тузилиши ҳамда қонуннинг 7-моддасига биноан, ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонунчиликда назарда тутилган тартибда иштирок этиш[6] каби ҳуқуқларга эгаллиги алоҳида белгиланган. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни мазмунидан келиб чиқиб, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасини «**фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш**» мазмунида тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни[7] тўғридан-тўғри республикада коррупцияга қарши курашиш механизмининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш – коррупциявий жиноятларнинг бир тури ҳисобланади.

Ушбу соҳада қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжатлардан бири бу - Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги Қонуни[8] ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни мазмунидан келиб чиқсак,



фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – жамоатчилик назоратининг асосий субъектлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тушунчасига таъриф берилган. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни мазмунидан келиб чиқиб, мазкур моддани «*Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги, худди шунингдек, **давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир***» мазмунидан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги «**Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида**»ги Қонуни[9] бир пайтнинг ўзидан мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмнинг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. Ушбу қонуннинг мақсадларидан бири давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини оширишдир. Мазкур қонунда унинг қўлланилиш соҳаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот турлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг бу борадаги ваколатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари каби масалалар мустаҳкамланган.

Давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини таъминлаш[9] мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги «**Ижтимоий шериклик тўғрисида**»ги Қонуни[10] қабул қилинган. Мазкур қонуннинг 6-моддасида ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари сирасига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши мустаҳкамланган бўлиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириш усуллари билан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига жамоатчилик назорати шакли сифатида «**давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиш**»ни киритиш таклиф этилади.

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмнинг яна бир ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелдаги «**Парламент назорати**



тўғрисида»ги Қонуни[11] ҳисобланади. Мазкур қонуннинг мақсади давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолиятини назорат қилиш ҳисобланади.

Бу йўналишда туб бурилиш ясаган ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги **«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни[12]** ҳисобланади. Мазкур қонун аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш; давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш мақсадида қабул қилинган. Бизнингча, мазкур қонуннинг 14-моддасига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиш шакли сифатида **«қонунчиликда белгиланган тартибда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар факти тўғрисида хабар қилиш; қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органларидан коррупцияга қарши курашиш фаолияти тўғрисида ахборот олиш; коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича илмий ва социологик тадқиқотлар ўтказиш; оммавий ахборот воситаларида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ижтимоий аҳамиятга эга тадбирлар ташкил этиш»** ни киритиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасини оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиш шакли сифатида **«Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров билан мурожаат этади»** мазмуни билан тўлдириш таклиф этилади.

Республикада давлат бошқарув органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни[13]** қабул қилинди. Мазкур меъёрий мустаҳкамланганлик жамоатчилик назорати институтини ривожлантиришдаги катта ютуқлардан биридир, чунки у қонун чиқарувчининг ўрганилаётган институтга тўлақонли ҳуқуқий шакл бериш истагини акс эттиради. Бошқа томондан, бу таъриф ҳали ҳам ўрганилаётган концепциянинг барча ўзига хос хусусиятларини қамраб олмайди ва натижада уни сезиларли даражада такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Жумладан:

- «жамоатчилик назорати» тушунчасига аниқ таъриф берилмаган;
- ушбу Қонуннинг мақсади мустаҳкамланган, бироқ «жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мақсади» белгилаб олинмаган;



- жамоатчилик назоратини амалга оширишда мақсадга олиб борувчи вазифалар кўрсатилмаган;
- жамоатчилик назратини амалга ошириш учун нималар асос бўла олиши мустаҳкамланмаган;
- жамоатчилик назорати субъектларининг бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик масалалари тўғрисида тўхталиб ўтилмаган.

Умуман олганда, жамоатчилик назорати ва коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги Қонунчилик таҳлили шуни кўрсатдики, у асосан, бир қатор ноаниқликлар ва бўшлиқларни ўз ичига олади, қолаверса, фуқаролар манфаатларини етарли даражада таъминламайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги **«Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги ПФ-6247-сон Фармони[14] ҳисобланади. Мазкур Фармон билан 2021 йил 1 июлдан бошлаб ҳар бир давлат органлари ва ташкилотлари ўз ҳузурида **фаолият юритувчи жамоатчилик кенгашлари** билан биргаликда расмий веб-сайтларида қуйидаги маълумотларни жойлаштириб, уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлаш мажбурияти юклатилди, яъни жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари) ҳамда жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар.

Қонунчилик таҳлилларидан ҳам кўриниб турибдики, жамоатчилик назоратини механизмини амалга оширишда қайта-қайта тартибга солувчи нормалар қабул қилинаётган бўлишига қарамасдан, орадан салкам 3 йил вақт ўтаётган бўлсада ҳали-ҳануз давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари тузилмаганлигини ёки тузилган жамоатчилик кенгашлари фаолияти бугунги кун талаблари даражасида ташкил этилмаганлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун, олиб борилган таҳлилларга кўра, бугунги кунга қадар ҳали ҳам ўз ҳузурида фаолият юритувчи Жамоатчилик кенгашларининг мавжуд эмаслиги ва расмий веб-сайтларида бу тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар жойлаштирилмаганлигини (17 та) аниқланди.

Тадқиқот олиб бориш давомида яна бир масала эътиборимизни тортди. Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва бу борада жамоатчилик назорати механизмидан кенг фойдаланиш борасида бир қатор Президент Фармон қа қарорлари қабул қилинган бўлиб, мазкур норматив-ҳужжатларда амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар мустаҳкамланган, бироқ бугунги кунга қадар уларнинг ишлаш механизмлари мавжуд эмас. Жумладан, 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4551-сон Қарори[15]. Мазкур қарорда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ҳамда замонавий тизимини яратиш бўйича алоҳида топшириқлар белгилаб берилган.



2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5960-сон Фармони[16] қабул қилинди. Ушбу Фармон билан мамлакатимизда жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш, «жамоатчилик эшитуви», «жамоатчилик экспертизаси», «жамоатчилик мониторинги» каби таъсирчан замонавий назорат шакллари амалда жорий этиш асосий вазифалар қаторида мустаҳкамланди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон Фармони[17] қабул қилиниб, унга мувофиқ, кенг жамоатчиликнинг фикри ва таклифларини инобатга олиб, давлат бошқарувини коррупциядан холи соҳага айлантириш мақсадида Агентлик томонидан «Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри» юритилиши белгиланди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «**Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги ПҚ-5177-сон Қарори[18] билан барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгилаб берилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-81-сон Қарори[19] қабул қилинди ва Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди, рейтинг баҳолаш алоҳида индикаторлардан ташкил топган бешта йўналиш бўйича амалга оширилиши белгиланди.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 апрелдаги «Ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 208-сон Қарори[20] қабул қилинди. Бу билан ННТлар томонидан амалга оширилган жамоатчилик назоратининг якуни бўйича тайёрланган ҳужжатни давлат органлари ва ташкилотларига юбориш ҳамда давлат органлари ҳамда ташкилотлари томонидан ушбу ҳужжатнинг кўриб чиқилиши натижаси бўйича қабул қилинган қарорларни эълон қилиш тартиби ўрнатилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-240-сон Қарори[21] ҳисобланади. Коррупциявий хавф-хатарларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, инсон омилини қисқартириш ва тегишли тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш,



шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали бартараф этиш тартиби белгиланди.

**Иккинчи гуруҳ** – коррупцияга қарши курашишда жамоат назоратини билвосита амалга оширишни назарда тутувчи нормаларни кўзда тутуди.

1. 1993 йил 2 сентябрь кундаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолияти очиқлиги тўғрисида»[22] ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 4-моддаси вилоят, туман, шаҳар ҳокими зарур бўлган ҳолларда ўз фаолияти тўғрисида **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этиш тартибини** белгилаб беради.

2. 1999 йил 14 апрель кундаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»[23] ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 10-моддасига биноан нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар **мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан** бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

3. 2013 йилнинг 22 апрелида янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»[24] ги Қонуннинг 11-моддасига асосан, шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари доирасига тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан **жамоатчилик назоратини** амалга ошириши таъминланган.

4. 2016 йил 17 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»[25] ги қонуннинг **9-моддасига** асосан, ички ишлар органлари ўз фаолиятини очиқ ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга ошириши ҳамда жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ички ишлар органларининг фаолияти ҳақида, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳаққоний ахборотни олиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун[26] ининг 11-моддасида **Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишдаги иштироки** мустаҳкамланган бўлса, мазкур қонуннинг 26-моддасида йўл ҳаракати қатнашчиларининг махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунга хилоф қарорлари, шунингдек **улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқи** алоҳида таъкидлаб ўтилган.



Жамоатчилик назорати субъектларининг содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақидаги мурожаати ҳамда уларни олдини олишдаги иштирокини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ғоят муҳим ҳисобланади. Бу борада республикамизда коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назорати субъектларини жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 829-сонли Қарори[27] шулар жумласидандир. Агентликнинг берган маълумотига асосан, 2021 йил давомида мазкур қарор доирасида 18 нафар шахс, улардан 16 нафари пора олиш ва 2 нафари бюджет маблағларини талон-тарож қилганликлари учун рағбатлантирилган[28].

Фикримизча, бу жуда ҳам паст кўрсаткич ҳисобланади. Зеро, мазкур масаланинг асосий сабабларидан бири, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори ижроси юзасидан нафақат фуқаролар, балки ишни судга қадар юритишга масъул бўлган баъзи ходимларнинг ҳам хабарсиз эканлигини, хабари борлари ҳам ушбу нормани қўлламаганликларини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, ўтказилган сўровда иштирок этган амалиёт ходимларидан иборат респондентларнинг респондентларнинг 73% мазкур нормаларни қўлламаганликларини, 7% тергов органларига кўмаклашиш фуқароларнинг бурчи бўлганлиги сабабли уларни рағбатлантиришни лозим топмаслигини, 13% жамоатчилик вакилларининг иш, ўқиш ёки яшаш манзилларига тақдимнома киритганлигини ва 7% уларни пул ёки совғалар билан рағбатлантирганлигини маълум қилганлар[29]. Президентимиз бу борада жон куйдириб «Бугунги кунда ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ»[30] дея таъкидлаганлар.

Ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида давлат органлари мансабдор шахслари фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати механизмини шакллантириш ва такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг мақсадларига эришиш фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ечими ва назарияларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш зарурати бугунги кунда қуйидагилар билан асослантирилади:

- фуқаролик жамияти тизимида жамоатчилик назоратининг ўрнини ўрганиш ва жамоатчилик назорати концепциясини шакллантириш;
- жамоатчилик назоратини амалга ошириш тамойиллари тизимини шакллантириш;



- республикада давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмларининг амалга ошириш шакллари кўриб чиқиш;

- давлат ҳокимияти органлари ҳузуридаги жамоатчилик назорати институтлари фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш, тадқиқ этиш ҳамда таҳлил этиш.

2. **Жамоатчилик назорати** – жамоатчилик назорати субъектлари томонидан жамоатчилик назорати объектларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижро этилиши натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган, шунингдек унинг натижалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш бўйича фаолияти.

3. **Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назорати** – жамоатчилик назорати субъектлари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиш, шунингдек коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритишга қаратилган фаолияти.

4. Жамоатчилик назоратининг **мақсадлари** қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлаш;

жамият манфаатларини ҳимоя қилиш.

5. Жамоатчилик назоратининг **вазифалари** қуйидагилардан иборат:

давлат органлари ва жамиятнинг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини таъминлаш;

давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ва уларнинг таъминланиши аҳволи тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш;

давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунга риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлаш ва кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, уларни жамоатчилик ёрдамида бартараф этиш, жамиятда ижтимоий адолат принципини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органларининг ҳамкорлиги.

6. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун **асослар**:

1) жамоатчилик назорати субъектларининг ташаббуси;

2) жамоатчилик назорати объектларининг муражаати;

3) жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг жамоат назорати объектлари томонидан шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тўғрисидаги муражаатлари.



## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь кундаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабрь. 258 (6952)-сон.
2. Фозилов У.Э. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари: Ўқув қўлланма. – Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016 – 80 б.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2021 йил 7 июль
4. Ш.А.Холиқова. Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш масалалари // ю.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон
6. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон
7. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 17-сон, 210-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 219-модда
9. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2014 йил 12 май, 19-сон, 209-модда
10. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2014 йил 29 сентябрь, 39-сон, 488-модда
11. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2016 йил 18 апрель, 15-сон, 141-модда
12. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 9 январь, 1-сон, 2-модда
13. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 16 апрель, 15-сон, 304-модда
14. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.06.2021 й., 06/21/6247/0563-сон, 09.04.2022 й., 06/22/101/0288-сон
15. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 07/19/4551/4162-сон
16. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.04.2020 й., 06/20/5980/0450-сон
17. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон
18. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 07/21/5177/0644-сон
19. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.01.2022 й., 07/22/81/0017-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон
20. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.04.2022 й., 09/22/208/0338-сон
21. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.05.2022 й., 07/22/240/0407-сон



22. "Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси", 1993 йил, 9-сон, 320-модда
23. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси" 1999 й., N 5, 115-модда
24. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 219-модда // "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", 2013 йил, 4-сон, 96-модда
25. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон, 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон; 28.10.2022 й., 03/22/797/0967-сон)
26. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон
27. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.05.2021 й., 09/21/322/0481-сон; 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон
28. Коррупцияга қарши кураш агентлигининг 2022 йил 4 апрельдаги 03-09/1378-сонли жавоб хати
29. Хушвақтова Н.А. Коррупцияга оид жиноятларни фош қилиш ва тергов қилишда жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш // Davlat boshqaruvi sohasida korrupsiyaviy xavf-xatarlarni bartaraf etish mehanizmlarini takomillashtirish masalalari" mavzusida respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi, 78-82
30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020> (Мурожаат қилинган сана: 13.02.2022).
31. Нурмухаммедова Г. Б. Коррупцияга қарши курашиш усуллари ва механизмларининг назарий-ҳуқуқий таҳлили //юриспруденция. – 2020. – Т. 1. – №. 1.
32. НУРМУҲАММЕДОВА Г. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси механизмларини такомиллаштириш: усуллари ва йўналишлари //Юрист ахборотномаси. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 189-201.
33. Амонов Ф. С., Нурмухаммедова Г. Б. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уларнинг олдини олиш масалалари //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 419-428.